

БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИНИНГ ДИДАКТИК

ХУСУСИЯТЛАРИ

Хулкар Ҳамроева,

Ўзбекистон давлат хореография академияси “Санъат назарияси ва тарихи кафедраси доценти в.б., филология фанлари доктори (DSc)

Сурайё Исмамова,

Ўзбекистон давлат хореография академияси санъатшунослик йўналиши 3-курс талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада болалар фольклор рақс турлари ва улардаги ҳаракатлар ифодаси тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: миллий қадрият, болалар ўйинлари, “Читтигул”, қалб гўзаллиги, эстетик тарбия.

Бутун дунёда глобаллашув жараёнларининг шиддатли тезлик билан давом этаётганлиги, жаҳон миқёсида иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кундан-кунга ўсиб бораётганлиги, интеграция жараёнларининг тезлик билан амалга ошаётганлиги таълим тараққиётига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Болалар фольклор рақс санъати инсоният томонидан яратилган кашфиётларнинг энг ноёб туридир. Худди мусиқа каби рақс санъати қадимдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар кўп босқичли ривожланиш жараёнини босиб ўтмоқда. Уч минг йиллик тарихга эга фольклор рақслари кичкинтойлар олами билан катталар дунёсининг уйғунлашуви оқибатида юзага келган ўйинлар, қўшиқлар ва мусиқали поэтик жанрларнинг бутун бир

тизими тарзида шаклланган. Мутахассисларнинг фикрича, уни яратишда катталар ҳам, болалар ҳам баравар ҳисса қўшганлар.¹

Ўзбек болалар фольклор рақслари ўзининг бетакрор, жозибали ҳаракатлари, ўйноқи мусиқалари билан бошқа рақс турларидан фарқ қилади. Беғубор ўйинлар замирида шаклланган фольклор рақслари деярли ёш танламайди. Уларнинг ҳаракатлар ёшига қараб эркин, енгил ва шўхчан бўлиши мумкин. Масалан, болаларнинг севимли “Бойчечак”, “Читтигул”, “Ёмғир ёғалоқ”, “Ҳа, дурси, дурси, дурси” каби қўшиқларини рақсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. “Читтигул” рақс – қўшиғи мамлакатимизнинг барча вилоятларида ижро этилади. Бунда 10 - 12 нафардан иборат қиз болалар гуруҳи енгил ҳаракатлар билан жуфт-жуфт бўлган ҳолатда қўшиқ оҳангига мос тарзда эркин ва шўхчан рақсга тушадилар.

Рақсга жараёнида қўллар маълум ҳаракат билан бир-бирига урилади ва матн мос гўзал манзара ва оҳанг яралади. Давра олиб, қўл ушлашиб, асосан кичик ёшдаги қизалоқлар ижро этадилар.

Ижро жараёнида турли ҳолатлар ҳаракатлар ва имо- ишораларда ифодаланади. Уларга асосан қўл, елка, бош, оёқ билан бажариладиган ҳаракатларни киритиш мумкин. Масалан, қўл, шунингдек, кафт ва бармоқлар билан боғлиқ ҳолатлар рақс жараёнида нозик ва майин ҳаракатлар билан бажарилиши лозим. “Ёғду сочиш”, “Қанотлар”, “Гул барги”, “Тўлқин”, “Шабада”, “Гул териш” каби рақс ҳаракатларини қизалоқлар севиб ижро этишади.

“Қанот ёйиш” ҳаракатида қизалоқлар турли қушларнинг осмонга интилишини, учишини кўрсатишади. Қўллар биринчи ҳолатда икки томонга майин - майин тўлқинланади. Қизалоқлар иккита – иккита бўлиб, бир – бирларига қараб, жилмайганча, бармоқлар, кафтлар, биллак ва тирсаклар, елкалари билан жуда нафис ҳаракатланади. Ўтириб – туриб, енгил сакраганда ҳам улар қушлар ва гуллар ҳолатини ниҳоятда чиройли, беғубор ва жозибали

¹ Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Т.: Мусиқа, 2010.Б.133.

ифодалашади. “Читтигул” рақс – кўшиғида қизалоқлар одатда миллий атлас либосларда, яшил нимча, бошларида ироқи дўппи, учи резинкалик яшил лозимларда даврага чиқишади.



Кейинги йилларда болалар рақс санъатига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Болалар санъат ва мусиқа мактабларининг фаолиятида бу соҳада олиб борилаётган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Болалар ансамблларида рақслар ҳам яккаликда, жуфт ва ёхуд гуруҳ бўлиб ижро этилади. Ижро

жараёнида болаларнинг эркин ва ёқимли ҳаракатлари томошабинларга эстетик завқ улашади. Ўзбек болалар фольклор рақслари ўзининг ўйноқи, шўх ҳаракатлари, ёрқин либослари билан ҳаммани бирдек ўзига жалб этади.

Истиклол йилларида мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маърифий соҳаларда жаҳоннинг энг илғор давлатлари билан олиб бораётган фаол алоқалари, маънавий ҳамкорликлар дунё аҳлининг ўзбекфольклор рақсларига бўлган қизиқишини янада орттирмоқда. Зеро, рақс нафақат болаларнинг жисмоний камолотига балки уларнинг руҳий оламларига, ҳиссиётларида ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, ўзбек болалар фольклор рақслари инсонпарварликни, эзгуликни, қалб гўзаллигини тараннум этганлиги учун кўплаб тараққийпарвар ва тинчликсевар мамлакатларнинг нуфузли Халқаро рақс фестивалларида совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Қайфиятни кўтариб, кўнгилга завқ бағишлайдиган рақс санъати беқиёс тарбиявий - маънавий таъсир кучига эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Энг муҳими, ўйин ва рақслар болаларни ижодий фикрлашга

ўргатади, дунёқараши ва салоҳиятининг ошишида, юрт тарихи, миллий қадриятларини ўрганишида ўзига хос мактаб вазифасини бажаради.

Фольклор рақсларининг моҳиятини тушуниш, уни ижро этиш ўзига хос мураккабликларга эга, кўп қиррали жараён ҳисобланади ҳамда хореограф – педагогдан юксак маҳорат билан бир қаторда болалар руҳиятини тушунишни ҳам талаб қилади. Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, болалар фольклор рақслари ёш танламайди, улар кичкинтойларда бир олам эстетик завқ уйғотади. Ҳамда болаларни кичик ёшидан жисмонан етук бўлишига, гўзалликни янада теран ҳис этишга, юртни, миллий қадриятларни севишга, табиат бойликларини қадрлашга даъват қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жабборов А., Бегматов С., Азамова М. Ўзбек муסיқаси тарихи. – Т.: Фан ва технология, 2018.
2. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Т.: Муסיқа, 2010.
3. Сайтова Э. Й., Абрайкулова Н.Э. Хореография ва рақс санъати асослари. – Т.: Фан ва технология, 2015.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000.